



**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН
Фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг
ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10437393>

Адембаев Аралбай Куралбаевич

Нукус шаҳри, Қорақалпоқ давлат университети

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддасида жавобгарлик белгиланан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг объектив белгилари, яъни ушбу жиноятнинг объекти ва объектив томонида доир масалалар атрофлича таҳлил қилинган. Жумладан, ушбу жиноятнинг объекти масаласини ёритишда жиноят объектининг вертикал ва горизонтал турларига, хусусан, ушбу жиноятнинг умумий объекти, махсус объекти, турдош ва бевосита объектга, шунингдек, бевосита асосий объекти, бевосита қўшимча объекти ва бевосита факультатив объектига аниқлик киритилган. Жиноят объектига доир масалалар қамровида жиноятнинг предмети га ҳам эътибор қаратилган. Ушбу жиноятнинг объектив томони таҳлилида ЖКнинг 266-моддаси бўйича квалификация қилинадиган ижтимоий хавфли ҳаракат (ҳаракатсизлик), юзага келадиган ижтимоий хавфли оқибат ҳамда қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш масалалари атрофлича ёритилган. Жумладан, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида шахснинг соғлиғига шикаст етказилиши ёки жабрланувчининг ҳаётдан маҳрум этилиши каби оқибатларда қилмишнинг квалификация қилиниши юзасидан асосли хулосалар билдирилган. Мақолада таҳлил қилинган ҳар бир ҳолат бўйича олимларнинг фикрлари, қонунчилик нормалари таҳлилига эътибор қаратилган ҳамда муаллифнинг қараишлари ва хулосалар баён этилган.

Калит сўзлар

жиноят объекти, жиноятнинг объектив томони, транспорт воситаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги, транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлиги, ижтимоий муносабатлар, жиноят предмети, транспорт воситасини бошқариш, жабрланувчи.

**ОБЪЕКТИВНЫЕ ПРИЗНАКИ НАРУШЕНИЯ ПРАВИЛ
БЕЗОПАСНОСТИ ДВИЖЕНИЯ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ ИЛИ ИХ
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ**



АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются объективные признаки нарушения правил безопасности движения транспортных средств или их использования, ответственность за которые установлена статьей 266 УК РУз, то есть подробно анализируются объект и объективная сторона этого преступления. В частности, при выяснении вопроса об объекте данного преступления выделяются вертикальный и горизонтальный виды объекта преступления, в частности, общий объект, специальный объект, аналогичный и непосредственный объект, а также непосредственный основной объект, уточнены прямой дополнительный объект и прямой факультативный объект данного преступления. При освещении вопросов, связанных с объектом преступления, внимание уделяется и предмету преступления. При анализе объективной стороны данного преступления подробно раскрываются общественно опасное действие (бездействие), квалифицируемое по статье 266 УК РУз, наступившее общественно опасное последствие, причинно-следственная связь между деянием и последствием. В частности, даны обоснованные выводы относительно квалификации деяния в виде таких последствий, как повреждение здоровья лица или гибель потерпевшего в результате дорожно-транспортного происшествия. В статье акцентируется внимание на мнениях ученых по каждому анализируемому случаю, проводится анализ правовых норм, а также излагаются взгляды и выводы автора.

Ключевые слова

объект преступления, объективная сторона преступления, транспортное средство, безопасность дорожного движения, безопасность пользования транспортным средством, общественные отношения, субъект преступления, управление транспортным средством, потерпевший.

OBJECTIVE SIGNS OF VIOLATION OF THE SAFETY RULES OF TRAFFIC OR USE OF VEHICLES

ABSTRACT

In this article, the objective signs of violation of the safety rules of the movement of vehicles or their use, for which liability is defined in Article 266 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, that is, the issues related to the object and objective side of this crime, are analyzed in detail. In particular, when clarifying the issue of the object of this crime, the vertical and horizontal types of the object of the crime, in particular, the general object, special object, similar and direct object, as well as the direct main object, the direct additional object and the direct facultative object of this crime were clarified. In the coverage of issues related to the object of the crime, attention is also paid to the subject of the crime. In the analysis of the objective aspect of this crime, the socially dangerous action (inaction) qualified under Article 266 of the Criminal Code, the resulting socially dangerous



consequence, and the causal connection between the act and the consequence are covered in detail. In particular, reasonable conclusions were made regarding the qualification of the act in the consequences such as damage to the health of the person or loss of life of the victim as a result of the traffic accident. The article focuses on the opinions of scientists on each case analyzed, the analysis of legal norms, and the views and conclusions of the author are stated.

Key words

object of crime, objective side of crime, vehicle, road safety, safety of vehicle use, social relations, subject of crime, driving a vehicle, victim.

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддасида назарда тутилган жиноят жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибининг таркибий қисми саналган транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларга таҳдид солади. Айни пайтда мазкур жиноят натижасида қонун билан муҳофаза этиладиган бошқа объектлар – инсон ҳаёти ва соғлиғига ҳам зарар етказилиши мумкин. Бирок, бу манфаатлар фақат мазкур жиноятнинг юридик моҳиятини акс эттирмайди ва шу сабабдан ҳам улар ЖК 266-моддаси билан муҳофаза этиладиган асосий объектга қўшимча объект сифатида қаралади. Акс ҳолда, кўриб чиқиладиган жиноят ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноятлар тоифасига киритилиши лозим эди.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик уларни квалификация қилиш, улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг айрим жиҳатлари Қ.Р.Абдурасулова, Г.А.Алимов, Н.Ў.Аллаяров, М.Ашпаков, М.Кадыров, Н.Р.Маллаев, М.Ҳ.Рустамбаев, М.Усмоналиев, Ж.Т.Холмўминов ва бошқа олимларнинг [1; 2; 3; 4; 5; 6; 7; 8] ишларида ўрганилган.

Материал ва методлар.

Мазкур тадқиқот орқали қуйидаги саволларга жавоб топишимиз керак бўлади: 1) транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш орқали қандай ижтимоий муносабатларга зарар етказилади; 2) ушбу жиноятнинг предмети даганда қандай аниқ хулоса чиқариш керак; 3) ушбу жиноят қандай ҳаракатлар орқали содир этилади, шунингдек, ҳаракатсиз орқали ҳам содир этиладими? 4) турли ижтимоий ҳавфли оқибатлар жиноятнинг квалификациясига қандай таъсир кўрсатади?

Ушбу саволларга жавоб топиши орқали мазкур тадқиқотда қонунчилик, шу жумладан, Ўзбекистонда жиноят қонунчилиги тарихида қабул қилинган



қонунчилик ҳужжатлари, қўлланилган амалиёт материаллари ва ушбу масалага доир олимларнинг асарларидан фойдаланилди ҳамда муаллифнинг хулоса ва мулоҳазалари ишлаб чиқилди.

Мазкур тадқиқотни амалга оширишда илмий билишнинг тарихий, тизимли, мантиқий (анализ, синтез), қиёсий-ҳуқуқий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари.

Жиноят ҳуқуқига доир айрим дарсликларда ушбу жиноятнинг объекти йўл ҳаракати хавфсизлиги ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларидир [9, 429-б.], деб тавсиф берилган. Аммо, ушбу таъриф умумий характер касб этади. Унда бугунги кунда жиноят ҳуқуқида қабул қилинган жиноят объектининг таснифи инобатга олинмаган.

Баъзи бир адабиётларда эса, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг бевосита объекти йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юзага келувчи ва мазкур ҳаракат иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи ижтимоий муносабатлардир [10, 385-б.; 11, 813-б.], деган фикр илгари сурилган.

Бу борада В.Лукьяновнинг куйидаги фикрини эътиборга олиш жоиз, “хавфсизлик – бу йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳодисаларидан “ҳимояланганлик даражаси” эмас, балки улардан тўлиқ ҳимояланганлигидир” [12, 25-26-б.]. Шу туфайли ҳам, у хавфсизликни йўл ҳаракати жараёнининг йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиши хавфини бутунлай истисно этадиган ҳолати сифатида тавсифлайди. Зотан, хавфсиз йўл ҳаракати жараёнида ҳайдовчи автомобилни йўл ҳаракати қоидалари талабларига риоя этган ҳолда оқилона ўз иродасига мувофиқ бошқариш имкониятини сақлаб қолади.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг объекти юзасидан М.Ҳ.Рустамбаев куйидагича фикр билдиради: жиноятнинг асосий бевосита объекти йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигидир, қўшимча бевосита объект – фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади [6, 108-б.]. М.Кадировнинг фикрича, ушбу жиноятнинг бевосита объекти транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш соҳасида хавфсизликни таъминловчи ижтимоий муносабатлардир [5, 360-б.].

Юқорида қайд этилган ҳамда транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш учун жавобгарлик масаласига бағишланган адабиётлар, олимлар ва соҳа мутахассисларининг мулоҳазалари таҳлили шуни кўрсатдики, таҳлил қилинаётган жиноятнинг объекти юзасидан ягона ва тўлиқ ёндашув мавжуд эмас.



Шуни кайд этиб ўтиш лозимки, мазкур жиноятнинг предмети масаласи ҳам бироз мунозарали. “Жиноятнинг предмети ҳар қандай транспорт воситалари – ҳар қандай автомобиллар (юк, йўловчи ташийдиган, енгил автомобиллар, спорт автомобиллари ва ҳ.к.), трамвайлар, троллейбуслар, тракторлар ва бошқа механик транспорт воситалари бўлиши мумкин” [6, 109-б.]. Аммо, аксарият муаллифларнинг фикрича, йўл-транспорт ҳодисаси айнан транспорт воситасида содир этилса-да, транспорт воситаси жиноят қуроли (воситаси) ҳисобланади, деган хулоса келиб чиқмайди, акс ҳолда, мазкур жиноятларни одам ўлдириш сифатида квалификация қилиш талаб этилган бўлар эди [13, 84-б.].

Айтиш жоизки, ушбу масала юзасидан юқорида келтирилган иккита олимнинг фикрини ҳам муфассал, деб бўлмайди.

Биринчидан, М.Х.Рустамбаев томонидан қайд этилган “жиноятнинг предмети ҳар қандай транспорт воситалари” деган хулоса нотўғридир.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунига [14] кўра, “транспорт воситаси – одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма” дир. Бу тушунча изоҳи унинг одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган барча транспорт воситаларини, шу жумладан, темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспортини ҳам назарда тутди. Маълумки, темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш ЖКнинг 260-моддаси билан квалификация қилинади ва шу нуқтаи назардан мазкур транспорт воситалари 260-моддада назарда тутилган жиноятнинг предмети дир.

Иккинчидан, транспорт воситасини жиноят қуроли деб ҳисоблаш мазкур жиноятларни одам ўлдириш сифатида квалификация қилишни талаб этади, деб хулоса билдирган Н.Исаевнинг қарашлари ҳам, бизнингча, тўғри эмас.

Ушбу масалада транспорт воситаси жиноятнинг предмети бўлгани ҳолда, қилмишни ЖКнинг қайси модда билан квалификация қилиш учун унинг субъектив томонини аниқлаш талаб этилади. Жиноятни тўғри квалификация қилиш учун жиноят таркибининг тўртта элементи ҳам чуқур таҳлил қилиниши лозим бўлади. Зотан, жиноятни тўғри квалификация қилишнинг ягона юридик асоси конкрет жиноят таркибидир [7, 58-б.]. Агар транспорт воситасини бошқараётган шахс жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказиш ёки уни ўлдириш мақсадини кўзлаган бўлса, транспорт воситаси одам ўлдириш ёки баданга шикаст етказиш жиноятининг қуроли сифатида қаралиши, акс ҳолда таҳлил қилинаётган жиноятнинг қуроли сифатида баҳоланиши лозим.



Демак, темир йўл, сув (денгиз, дарё) ва ҳаво транспортдан бошқа турдаги барча транспорт воситалари транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг предмети, деб баҳоланади.

Шахсни ЖК 266-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишда **жиноят таркибининг объектив томонини** тавсифловчи белгиларини аниқлаш талаб этилади.

Жиноят таркибининг объектив томони тушунчасига берилган таърифлар таҳлили унинг мазмунини ҳамма бир хил тушунмайди, деган хулосага келиш имконини беради. Бир гуруҳ муаллифлар жиноятнинг объектив томони деганда тажовузнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ифодаладиган, жиноят қонуни билан қуриқланадиган объектга қарши қаратилган ижтимоий хавfli тажовузнинг ташқи ҳолатини характерловчи объектив, ижтимоий ва юридик аҳамиятга эга бўлган белгилар йиғиндисини [15, 148-б.], айрим муаллифлар “жиноий қилмишнинг ташқи томонини тавсифловчи юридик аҳамиятга молик белгилар мажмуи”ни [16, 145-б.] тушунадилар. Бошқа бир гуруҳ муаллифлар фикрига кўра эса, жиноятнинг объектив томони – бу “жиноят қонуни билан қуриқланадиган объектга зарар (зиён) етказаётган ижтимоий хавfli тажовузни юзаки томондан тавсифладиган муҳим, етарли ва зарурий белгилар тўплами”, “қилмишнинг жиноят объектига зарар етказувчи ёки зарар етказиш хавфини туғдирувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланадиган ташқи тавсифи” дир [17, 194-б.].

Л.Д.Гаухман жиноят таркибининг объектив томонини унинг ижтимоий хавfliлиги хусусияти ва даражасини ифодаловчи ташқи, объектив, ижтимоий муҳим белгилари тўплами [18, 90-б.] сифатида тавсифлайди.

Барча белгиларни ўз ичига олувчи жиноятнинг объектив умумий тушунчасидан фарқли ўларок, муайян жиноят таркибининг объектив томони фақат уни тавсифловчи бир неча белгидан иборат бўлиши мумкин. Муқобил тарзда ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сифатида тушуниладиган қилмиш, ҳеч шубҳасиз, ҳар қандай жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Таҳлил қилинаётган жиноят транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши натижасида содир бўлади.

Йўл-транспорт жиноятлари объектив томонининг белгиларини турли даврларда тадқиқ этган муаллифлар [6, 109-б.; 19, 12-24-б.; 12, 25-26-б.] илмий ишларининг таҳлили транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг объектив томони куйидагиларда ифодаланади деган хулосага келиш имконини беради:



биринчидан, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилишида. Бу қоидаларнинг асосийлари Ўзбекистон Республикасининг Йўл ҳаракати қоидаларида ва Транспорт воситаларидан фойдаланишга рухсат бериш қоидаларида назарда тутилган;

иккинчидан, мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфли оқибатлари баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида (ЖК 266-моддасининг биринчи қисми) ёхуд одам ўлишида (ЖК 266-моддасининг иккинчи қисми) ёинки одамлар ўлимига, ҳалокатга, бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиши (ЖК 266-моддасининг учинчи қисми)да ифодаланади;

учинчидан, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг мавжудлиги тўғрисида фақат транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан юз берган оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлган ҳолда гапириш мумкин.

Айни шу сабабли, шахсни ЖКнинг 266-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун мазкур жиноят таркиби объектив томонининг қуйидаги белгиларини:

1) транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари бузилганини;

2) қонунда назарда тутилган муайян турдаги салбий оқибатларнинг ҳақиқатда юз берганини;

3) транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузилиши билан юз берган салбий оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш талаб этилади.

Жиноят таркиби объектив томони белгиларини аниқлашда аввал бузилган қоидаларнинг транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги масалаларини тартибга солувчи қоидаларга тааллуқли эканлигини аниқлаш талаб этилади. Шундан сўнг, айбдор томонидан транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги қайси қоидаларини бузилганлигини аниқлаш ва ҳайдовчининг мазкур қоидаларни бузувчи ҳаракатларини, шунингдек у қоидаларга риоя қилиш учун қандай ҳаракатларни содир этиши лозимлигини аниқ кўрсатиш зарур [19, 12-13-б.].

ЖК 266-моддаси диспозициясида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш тўғрисида сўз юритилади. Шу сабабли, жиноят ишини тергов қилиш ва жиноят таркиби объектив томонининг белгиларини аниқлашда биринчи вазифа мазкур қоидалар амалда бузилган-бузилмаганлигини, агар бузилган бўлса, ҳодисанинг хусусиятини, хусусан у йўл ҳаракати билан боғлиқ (яъни транспорт функцияси бажарилгани) ёки бошқача хусусиятга эга эканлиги



(муайян технологик операциялар, қишлоқ хўжалик ишлари ёки бошқа хўжалик ишлари бажарилгани ва ҳ.к.)ни аниқлашдан иборат. Бироқ, бунинг учун ЖК 266-моддасида айнан қайси қоидаларни бузиш ҳақида назарда тутилаётганлигини билиш зарур.

ЖК 266-моддаси диспозицияси бланкет хусусиятга эга бўлиб, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори [20] билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларига ҳавола қилади. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятини тўлиқ ҳисобга олиниши зарур. Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг негизини ташкил қилади. У асосан йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ишлатиладиган асосий тушунчаларнинг таърифларини, йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солувчи асосий нормалар ва принципларни, шунингдек бошқа норматив ҳужжатларда аниқлаштирилаётган умумий тусдаги ҳуқуқий асосларни ўз ичига олади. Шу тўғрисида ҳам транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг объектив томони белгиларини аниқлашда ҳайдовчи Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунини бузганлигини аниқлаш талаб этилмайди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида амал қилувчи қонун ҳужжатлари қонунлар билан бир қаторда, ҳокимият органлари, турли вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан ҳам иборат. Агар транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилган бўлса, тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчасини ҳисобга олиш зарур. ЖК 266-моддаси бланкет диспозициясили бўлганлиги боис, мазкур моддада назарда тутилган қилмиш содир этилганлигини аниқлаш учун ҳавола қилиниши шарт бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат – “Йўл ҳаракати қоидалари”дир. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги йўлларда ҳаракатланишнинг ягона тартибини белгиловчи норматив ҳужжат ҳисобланади. Ошиқча хавф манбаи саналган механик транспорт хавфсиз фаолият кўрсатиши зарурлигини, шунингдек мазкур фаолият тартиби бузилган тақдирда оғир оқибатлар юз бериши хавфи катта эканлигини ҳисобга олиб, қонун чиқарувчи транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигининг ҳамма учун мажбурий бўлган қоидаларини ҳам белгилаган.

Н.Пикуров фикрига кўра, аралаш ғайриқонуний қилмишларни ўз ичига олган жиноят таркиби белгиларини аниқлаш мақсадида пастроқ юридик



кучга эга бўлган норматив ҳужжатлар ҳам қўлланилиши мумкин [19, 16-б.]. Амалдаги қонунчиликда бунга йўл қўйилади, чунки жиноят таркиби белгиларига аниқлик киритиш учун терговчи фақат қонунга мувофиқ бўлган, унга зид келмайдиган норматив ҳужжатлардан фойдаланади. Бунда терговчи мазкур норматив ҳужжатлар ваколатли органлар томонидан қабул қилинганми, зарурий реквизитларнинг барчаси уларда мавжудми, ҳужжат қоидалари юқори турувчи норматив ҳужжат қоидаларини такрорламайдими, деган саволларга ойдинлик киритиши лозим.

Жиноят ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик йўли билан, юқорида айтиб ўтилганидек, жиноят таркиби объектив томони факультатив белгиларига кирувчи турли усуллар ёрдамида содир этилиши мумкин.

Чунончи, транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш қўйидагиларда: а) белгиланган чеклашларга зид равишда тезликни оширишда; б) ҳаракатланиш тезлигининг муайян йўл шароитига мос эмаслигида, яъни уни қатновнинг интенсивлик даражасини, транспорт воситаси ва юқунинг хусусиятлари ва ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитларини ҳисобга олмасдан танлашда; в) светофор сигналига ёки ДАН ходимининг имо-ишораларига бўйсунмасликда ва х.к.ларда ифодаланади.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш техник жиҳатдан носоз транспорт воситаларидан фойдаланишда; йўловчилар ташиш қоидаларини бузишда; техник носозлиги туфайли фойдаланиш тақиқланган, тегишли руҳсатсиз қайта жиҳозланган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёки давлат техника кўригидан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқаришда; йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳар қандай мастлик (алкоголь, гиёҳванд ва бошқалар) ҳолатида ёки сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, чарчоқ ёки бетоблик ҳолатида, шунингдек, тегишли тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган, белгиланган муддатда тиббий кўриқдан ўтмаган, гиёҳвандлик воситалари ёки спиртли ичимликларни сурункали истеъмол қилувчи сифатида ҳисобда турган шахсларни транспорт воситасини бошқаришга қўйишда ва бошқа шунга ҳаракатларда ифодаланади.

Айни пайтда, шунини ҳисобга олиш лозимки, ЖК 266-моддаси бўйича жавобгарлик йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан узвий боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарлик учун келиб чиқади. Қонун чиқарувчи транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш учун жиноий жавобгарлик белгилар экан, фақат ҳаракат хавфсизлигини бевосита тартибга солувчи қоидаларни назарда тутаяди.



Транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини назарда тутувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар доираси кенг бўлса-да, Б.А.Куринов транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг объектив томонини аниқлашда “ёзилган” қоидаларгина эмас, балки “умум эътироф этилган ёзилмаган эҳтиёткорлик қоидалари” ҳам бузилиши мумкин, деб ҳисоблаган. Бу хулосага келишда у транспорт воситалари ҳайдовчилари, транспортга хизмат кўрсатувчи шахслар, транспортдан фойдаланувчи шахслар ҳуқ-атвори тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган қоидалар билан эмас, балки умум эътироф этилган ҳуқ-атвор меъёрлари, эҳтиёткорлик қоидалари, шунингдек касб фаолиятига оид қоидалар билан ҳам белгиланишидан келиб чиққан. Транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланишда мавжуд бўлган ҳуқ-атвор қоидаларининг барчаси норматив ҳужжатларда тўлиқ акс эттирилиши мумкин эмас. Транспорт соҳасида фан ва техниканинг ривожланиши кишилар ҳуқ-атворининг янги қоидалари пайдо бўлишига олиб келиши, улар тегишли норматив ҳужжатда ўз вақтида акс эттирилмаслиги мумкин [21, 31-б.]. Аини шу сабабли, юзага келиши мумкин бўлган бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида, у “умум эътироф этилган ёзилмаган эҳтиёткорлик қоидалари”ни бузишни ҳам кўриб чиқиладиган турдаги жинойт сифатида квалификация қилишни таклиф қилган.

Мазкур нуқтаи назар, гарчи у муайян мантиқдан холи бўлмаса-да, қонунга зид таклиф сифатида назарияда ҳам, суд амалиётида ҳам қўллаб-қувватланмаган. ЖК 266-моддаси диспозицияси шундай таърифланганки, у фақат транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигини тартибга солувчи амалдаги норматив ҳужжатларга ҳавола қилиши мумкин.

ЖК 266-моддасида назарда тутилган жинойт моддий таркибли бўлиб, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш учун жинойт жавобгарлик фақат муайян оқибатлар юз берган тақдирда келиб чиқиши мумкинлигини аниқлатади. Қонунда бундай оқибатлар сифатида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши ёки одамлар ўлими кўрсатилган. Бинобарин, ЖК 266-моддасида назарда тутилган жинойт объектив томонининг навбатдаги белгиси транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши (ЖКнинг 266-моддаси биринчи қисми), одам ўлиши (ЖКнинг 266-моддаси иккинчи қисми), одамлар ўлими, ҳалокат, бошқа оғир оқибатларнинг юз бериши (ЖКнинг 266-моддаси учинчи қисми) ҳисобланади.



Конунда айбдор томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилишидан жабрланган ҳар қандай шахслар жабрланувчилар бўлишлари мумкинлигини назарда тутилади. Бунда жабрланувчининг баданига етказилган шикастнинг оғирлик даражасини аниқлаш мавжуд қоидаларга мувофиқ суд-тиббиёт экспертизаси ўтказилишини талаб қилади.

Транспорт воситасини бошқарган шахсни ЖК 266-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш учун тегишли қоидалар бузилгани ва зарарли оқибатлар юз берганини аниқлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Зарарли оқибатлар ва транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини ҳам аниқлаш талаб этилади.

Ҳар қандай моддий таркибли жиноятда бўлганидек, йўл-транспорт жинояти объектив томонининг муқаррар белгиси сифатида ҳам сабабий боғланиш, яъни ҳайдовчи томонидан йўл қўйилган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш ва юз берган зарарли оқибатлар (баданга шикаст етказиш, одам ўлиши) ўртасида мавжуд ўзаро алоқа амал қилади.

Сабабий боғланиш тегишли қоидаларни бузиш тарзидаги қилмиш ва юз берган оқибатлар ўртасида аниқланиши лозим. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг ҳар қандай кўриниши амалда ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришига имконият яратади. Бироқ, бундай оқибатлар юз берган тақдирда, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг қайси бандлари бузилгани ва жиноий натижа юз беришига айнан нима сабаб бўлганини аниқлаш талаб этилади.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, автотранспорт жинояти таркибининг бошқа ҳар қандай белгиси каби, сабабий боғланиш ҳам тахмин қилиниши мумкин эмас, балки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида исбот қилиниши лозим. Автотранспорт жиноятларида фақат бевосита сабабий боғланиш мавжуд бўлиши мумкин, деган фикр [22; 23; 24], бизнингча, нотўғри, зеро у жиноятнинг ҳақиқий айбдорларини жиноий жавобгарликка тортиш имконини бермайди. “Транспорт ходимлари жабрланувчининг айби билан юз берган жиноий натижага кам боғлиқ бўлган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши учун ҳам жавобгар бўладилар” [25, 66-б.].

Кўриб чиқиладиган тоифадаги ишлар бўйича сабабий боғланиш анча мураккаб хусусиятга эга ва бир қанча ўзига хос жиҳатлар билан тавсифланади. Улар шундан иборатки, йўл-транспорт ҳодисаси юз беришига олиб келиши мумкин бўлган омилларнинг кўп сонлилиги ва сабабий



боғланишнинг ривожланишини билвосита белгиловчи омиллар мавжудлиги туфайли зарарли оқибатлар, одатда, вазиятга боғлиқ ёки тасодифий хусусият касб этади, бундан ташқари, тегишли қоидаларни бузишнинг оғирлик даражаси билан доим ҳам мос келавермайди [26, 30-б.].

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш ва ЖК 266-моддасида назарда тутилган салбий оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш масалаларининг таҳлили: 1) тегишли қоидаларнинг бузилиши зарарли оқибат юз беришига сабаб бўлган; 2) зарарли натижа юз беришининг зарурий омили бўлган ёки унинг юз бериши учун имконият яратган ёинки бундай имкониятни воқеликка айлантирган барча ҳолларда сабабий боғланиш аниқланган деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари ҳаракатсизлик билан бузилганда сабабий боғланиш ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади.

Бундай ҳолларда:

а) субъектга тегишли қоидаларнинг талабларини бажариш мажбурияти юкланган;

б) у ўзидан кутилаётган ҳаракатларни бажариш имкониятига эга бўлган;

в) кутилган ҳаракатнинг бажарилиши салбий оқибатларнинг олдини олиши мумкин бўлган бўлса, сабабий боғланиш мавжудлиги аниқланган деб ҳисоблаш мумкин. Шахснинг ўзига юклатилган тегишли қоидаларга риоя қилиш мажбуриятларини бузиши амалда қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зиён етказилиши хавфини туғдиради ва ҳаракатсизлик учун жавобгарликнинг объектив асосларидан бири сифатида хизмат қилади.

В.В.Луқьянов жиноят объектив томонининг яна бир белгисини ажратади. Унинг фикрича, ҳайдовчи томонидан содир этиладиган жиноят асос сифатида олинса, йўл-транспорт ҳодисаси юз беришига сабаб бўлувчи, йўл-транспорт ҳодисаси юз бериши хавфини туғдирувчи йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ғайриқонуний қилмиш ҳисобланади [12, 25-26-б.]. Шундай қилиб, йўл-транспорт ҳодисаси юзага келишида ифодаланган хавф, унинг фикрича, йўл-транспорт жинояти объектив томонининг зарурий ва тўлақонли белгиси ҳисобланади. Ўз фикрини асослар экан, В.В.Луқьянов йўл-транспорт ҳодисасининг юз беришига ҳар доим уни содир этиш хавфининг туғилиши, масалан, бир автомобиль бошқа автомобилнинг қатнов йўлига чиқиб кетиши ёки хўл, сирпанчиқ йўлда ҳайдовчи автомобилни бошқара олмай қолиши сабаб бўлишини қайд этади.

Тадқиқот натижалари таҳлили.



1. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти бўйича:

– умумий объект – ЖК 2-моддасидан келиб чиққан ҳолда шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза этувчи ижтимоий муносабатлар;

– махсус объект – жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини муҳофаза этувчи ижтимоий муносабатлар;

– турдош объект – транспорт ҳаракати ва ундай фойдаланиш хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар;

– бевосита асосий объект – темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспортидан бошқа турдаги барча транспорт воситалари ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар;

– бевосита кўшимча объект – шахснинг ҳаёти ва соғлиғи дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар;

– бевосита факультатив объект – шахснинг мулкӣ ҳуқуқларини муҳофаза этувчи ижтимоий муносабатлардир.

2. Темир йўл, сув (денгиз, дарё) ва ҳаво транспортидан бошқа турдаги барча транспорт воситалари транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг предмети ҳисобланади.

3. Шахсни ЖКнинг 266-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун мазкур жиноят таркиби объектив томонининг қуйидаги белгиларини:

1) транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари бузилганини;

2) қонунда назарда тутилган муайян турдаги салбий оқибатларнинг ҳақиқатда юз берганини;

3) транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузилиши билан юз берган салбий оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш талаб этилади.

Хулоса.

Хулоса ўринда муаллиф йўл-транспорт ҳодисаси юз берганда ва зарарли оқибатларга олиб келганда, бу ноқонуний ҳаракатнинг натижасидир, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, йўл ҳаракати қонунларини бузиш табиий қонунларга риоя қиладиган ва ҳайдовчининг ҳоқиши билан боғлиқ бўлмаган бир қатор ҳаракатларни келтириб чиқаради. Агар ушбу воқеалар кетма-кетлиги туфайли машина бошқарувни йўқоца, у бошқа автомобил билан тўқнашиши, ағдарилиши, ёниб кетиши, портлаши, яқин атрофдаги сув ҳавзасига тушиши ёки йўлдан чиқиб кетиши мумкин. Бир қатор воқеалар ривожланишнинг ҳар бир босқичида тажовузкор ҳаракатларнинг мақсади бўлганларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига зарар этказиши мумкин.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти: Ўқув кўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 126 б.
2. Алимов Г.А. Транспорт воситаси ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар: Ўқув кўлланма. – Тошкент, 2000. – Б. 46.
3. Аллаяров Н.Ў. Транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашда маъмурий амалиёт: Ўқув кўлланма. / Н.Ў.Аллаяров, М.П.Аппаков. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2014. – Б. 41.
4. Аппаков М. Автотранспорт воситалари: уларга қўйиладиган талаблар. // “Ҳуқуқ ва бурч” ижтимоий-ҳуқуқий журнал, 2011 йил, 11-сон. – Тошкент, 2011.
5. Кадыров М. Уголовное право Республики Узбекистан. – Ташкент, 1997.
6. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.5. Махсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўтти тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. – Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2011. – Б. 108.
7. Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари: Ўқув кўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 58.
8. Холмўминов Ж.Т., Маллаев Н.Р. Атмосфера ҳавосини ҳуқуқий муҳофаза қилиш: Ўқув кўлланма. – Тошкент, 2004. – Б. 93.
9. Рустамбаев М.Х., Тоҳиров Ф., Эркаходжаев А. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. – Б. 429.
10. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. Особенная часть. / Под общ. ред. Ю.И.Скуратова и В.М.Лебедева. – М., 1997. – С. 385.
11. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. / Отв. ред. А.А.Чекалин; Под ред. В.Т.Томина, В.С.Устинова, В.В.Сверчкова. – М.: Юрайт-Издат, 2004. – С. 813.
12. Лукьянов В.В. Проблемы квалификации дорожно-транспортных преступлений и административных правонарушений. Специальные вопросы уголовного и административного права. – М.: Дашков и Ко, 2003. – С. 25-26.
13. Исаев Н.Ю. Уголовная ответственность за нарушение правил дорожного движения и эксплуатации транспортных средств. Дисс... на соис. уч. степ. канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 84.
14. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси



Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда.

15. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т. 1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2010. – Б. 148.

16. Уголовное право. Общая часть / Отв. ред. И.Я.Козаченко и З.А.Незнамова. – М., 1997. – С. 145.

17. Уголовное право. Общая часть / Под ред. Н.И.Ветрова, Ю.И.Ляпунова. – М., 1997. – С. 194.

18. Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М., 2001. – С. 90.

19. Пикуров Н.И. Квалификация дорожно-транспортных преступлений. Учебное пособие. – Волгоград, 2001. – С. 12-24.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидалари. // www.lex.uz/docs/5953883

21. Куринов Б.А. Автотранспортные преступления (квалификация и наказание). – М., 1970. – С. 31.

22. Болдырев Е.В., Лысков К.И., Соя-Серко О.А. Судебное разбирательство дел об автотранспортных преступлениях. – М., 1975.

23. Чучаев А. Причинная связь в транспортных преступлениях // Советская юстиция. 1985. №24.

24. Калистов А. Оценка причинных связей по делам об автотранспортных преступлениях. // Социалистическая законность. 1971. №4. – С.39.

25. Каиржанов Е. Объект преступления – интересы социальных субъектов. – Алматы: Экономика, 2008. – С. 66.

26. Замосковцев П.В., Коробеев А.И. Квалификация транспортных преступлений органами внутренних дел: Учебное пособие. – Хабаровск, 1999. – С. 30.